

---

## Янги йил арафасида яна 2 та кўча тўлиқ асфаллаштирилди.

“Ташаббусли бюджет” жойларда аҳолининг кўп йиллик муаммоларини ижобий ҳал этилишида самарали ечим бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-117-сонли қарори ижроси юзасидан Данғара тумани Оқтепа МФЙда жойлашган Мойбулоқ ва Марварид кўчаларининг 3 км қисми Данғара тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ходимлари томонидан асфаллаштирилди.

2023-12-29 09:41:25